



# ИШОНЧ

18

1992  
йил  
4 май  
(57)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталиқ газетаси

**КАСАБА УЮШМАЛАРИДА**
**● ЎН МИНГ СҮМЛИК СОВФА**

ТОШКЕНТ шаҳар касаба уюшмалари Қенгаши Собир Раҳимов районидаги 24-болалар уйида ҳайрия ва меҳр-муруват тадбирини ўтказди. Шу куни болаларга 10 минг сүмлик совға-саломлар тақдим этилди. Бошлиниб кетган Наврӯз сайлида болалар уйи бадий хаваскорлари ўз санъатларини намойиш килдилар.

Ҳайрия тадбира республика касаба уюшмалари Федерацияси Қенгаши раиси Б. А. Алламуродов, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, республика хотин-кизлар қўмитаси раисининг ўринbosари Д. М. Гуломова иштирок этдилар.

**● ДЎСТЛИК САФАРИ**

КОРЕЯ бирлашган касаба уюшмалари Марказий қўмитаси таклифига биноан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қенгаши делегацияси етти кун давомида КНДРда бўлди. Делегацияга республика касаба уюшмалари Федерацияси қенгаши раисининг биринчи ўринbosари Т. Х. Собитов бошлилик килди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар сафар давомида Корея касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишлари билан танишдилар, Пхеньян, Мёнсан, Кейсон шаҳарлари жамоатчилари билан учрашдилар, Корея халқи йўлбошчиси Ким Ир Сен таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган тантаналарда иштирок этдилар.

Хар иккала мамлакат касаба уюшмалари вакиллари имзолаган хужжатда ўзаро дўстлик ва ҳамкорликини янада ривожлантиришга қаратилиган тадбирлар белгилаб олинди.

**● ОРОЛ БОЛАЛАРИГА  
ВИДЕОМАГНИТОФОН**

БЎСТОНЛИК районидаги «Чотқол» санаторийсизда Орол бўйидан келган 200 нафар ўғилклиз даволаниш билан бирга шу ерда ўқишини ҳам давом эттиромокдалар. Яқинда болалар «Наврӯз» байрамини зўр шудо ҳурамли билан ишонладилар. Байрам муносабати билан болаларга совға-саломлар топширилди.

Айниска Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қенгаши тақдим этган видеомагнитофон болаларга жуда манзур бўлди. Уни қенгашномидан меҳнаткашларни маънавий камол тоғтириш, хотин-кизлар ва ёшлар масаласи билан шугульнувчи комиссия раисининг ўринbosари А. Муҳаммеджонов топшириди.

**● ОЧИК ХАТЛАР КУНИ**

ДАВЛАТ муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташаббуси билан Бухоро шаҳрида очик хатлар куни ўтказилди. Унда барча тоифадаги касаба уюшмалари фаоллари, шаҳар ва район хизмат соҳаси вакиллари иштирок этиб ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Марказий қўмита раиси Г. Я. Шопин, шаҳар ҳокими У. Носиров, давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Л. Ҳамидова ва бошқалар катор масалалар бўйича тушунтиришлар, консультациялар бердилар.

**● АКАДЕМИК ЖУРНАЛИСТЛАР  
МЕХМОНИ**

ҚАДИМГИ Ипак йўли кайси регионлардан ўтган? Тарих бўлиб колган маданий марказларни тиклаш, савдо ва саёҳатни ўйла кўйиш бўйича қандай чоралар кўрилаётни? ЮНЕСКО уюштираётган экспедицияларнинг дастлабки натижалари умидбахши?

«Ишонч» газетаси журналистларининг меҳмони бўлган Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти директори, республика халқ депутати, академик Аҳмадали Аскаров Ипак йўли тарихи ва истиқболидан хикоя килувчи маърузасида кўпчиликни қизиқтирган муаммолар аниқлик киритди, ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтган йили уюштирилган экспедиция натижаларидан хабардор килди.

Бундай учрашувлар тарихий мавзуларни матбуотда тўғри талқин этишига, мустакил республикамиз ўтишини, унинг жаҳон маданияти ва иктисолий таракқиётига кўшган хиссасини холисона баҳолашга ёрдам беради.

## ДЎСТГА ДЎСТНИНГ БАҒРИ ОЧИҚ


**Хабарлар мағзи**


**● ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти И. А. Қаримов Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика оммавий ахборот воситалярни давлат йўли билан муҳофаза қилишининг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида Фармон берди.

**● ТОШКЕНДАГИ С. М. Киров** кўчаси номи ўзгарди: унга Мустафо Камол Ота Туркноми берилди.

**● ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Фармонига биноан:

Деҳқончилик саноати мажмуй ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси раиси Камолжон ШОДИМЕТОВга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалиги ходими унвони берилди, деҳқончилик саноати мажмуй ходимлари Корасув район қўмитаси йўриқчиси Фиёс ДУСКАНАЕВ Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиги билан тақдирланди.

**● ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни

куролли кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида қарор қабул килди.



**● ТЮМЕНЬ** шаҳрида 17 ишсиз рўйхатга олинди, ваҳоланки, иш билан таъминлаш хизматининг маълумотларига кўра, хозир шаҳарда ва мингдан кўпроқ бўш жой бор.

Тюмень вилоятида жаъми 853 нафар ишсиз бор деб тан олинган, вилоят корхоналарида эса 21 минг бўш иш жойи мавжуд.



**● АҚШ** Туркияга мурожаат қилиб собик Совет Иттифоқидаги мусулмон республикаларида телекўрсатувни ташкил этишда ёрдам бериши илтимос қилди.

Туркия ана шаҳреспубликаларда телекўрсатув тизимини вужудга келтириб синовдан ўтказди. У май ойининг ўрталаридан бошлаб, Туркиядан ҳар куни телекўрсатувлар уюштириши режалаштирилди.

**«ИШОНЧ»  
ФОНДИГА**

225 киши имзо чекиб юборган хатда Сурхондарё вилояти Шўрчи районидаги Охунбоев номли жамоа ҳўжалиги раиси Абрамат Менгбоев ва унинг атрофидаги катта-кичик амалдорларнинг нопок ишлари фош этилган эди. Хатни «Ишонч» газетасининг 27 апрель сонида ўзлон қилиб тегишила ташкилотлар ҳўкимига ҳавола этилди. Муаллифлар — жамоа ҳўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бўри Ҳоликулов, касаба уюшмаси группаси раиси Қудрат Ҳўжаёров ва бошқалар мақола қалам ҳақини мұхарририят фондига ўтказишга қарор кильдилар.

**«ИШОНЧ»**
**ВАЪДАСИГА ВАФО ҚИЛАДИ**

**ХОЗИРГИ** оғир иктисолий шароитда оммавий ахборот воситаисиз яшашни ўзига эп кўрмаган ўртоқлар, ташкилот ҳамда муассасалар сонинг ортиб бораётганлигини ва бу ишда касаба уюшмалари жонбозлик кўрсататгандагини мамнуният билан эслатиб қўймоқчимиз.

Муассаса ва корхоналар «Ишонч»ни йил охиригача олишни истасалар ярим йил учун янгидан обуна бўлишлари зарур. Ярим йилга обуна нархи 78 сўм. 10 июнгача обуна бўлишга улгурни керак. Шошилинг азизлар, вақт кутиб турмайди.

Якка тартибда обуна бўлганлар юз мингга якни бўлиб, улар учун сўзимиз аввалидек битта. Ўз ваддамига вафо қилиб, обунани йил охиригача тўхтатмаймиз. Улар газетани узлуксиз оладилар. Фақат, иложи-

ризигизга муҳтожмиз. Баҳоли қудрат ўз ёрдаминизни биздан дариг тутмане. Босмахона, газета тарқатиш ва қоғоз учунги-на 1992 йилда мұхарририят 5 миллиондан ортиг пул сарфлаши керак. Бу ҳисобга редакция ҳаражатлари, қалам ҳақи, солиқлар кирмайди. Ўёғини эндигиз ҳисобкитоб қилиб чиқаверинг.

Агар ётибор қилган бўлсангиз ўз обуна нархини ўзлон қилиган газеталарга нисбатан биз обунализни 2-4 баробар кам қилиб белгиладик. Халқ манфаатини кўзлайдиган газета обунаси имкон борича арzon бўлиши керак деган фикрдан воз кечмадик.

АЗИЗЛАР, ўзингизнинг оғир кунинизни тушиниб, маддад берётганинг үчун СИЗЛАРГА миннатдорчилгимизни билдирамиз.

Ётиборингизга 1992 йил иккинчи ярми

учун обуна нархларини тақоран ҳавола этамиз.

● Якка тартибдаги обуна нархи:  
1 ОЙГА — 8 СўМ 68 ТИЙИН,  
6 ОЙГА — 52 СўМ 08 ТИЙИН.

● Муассаса ва корхоналар учун обуна нархи:  
1 ОЙГА — 13 СўМ 00 ТИЙИН;  
6 ОЙГА — 78 СўМ 00 ТИЙИН.

Мұхарририятнинг ҳисоб-китоб рақами:  
● 700165, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат дехончилик банки 000363601 — ҳисоб варкаси «Ишонч» газетаси мұхарририят, банк коди 17268403

«ИШОНЧ» газетаси мұхарририят.



Хумойиддин ака, нарх-наво бекиёс ошган ҳозирги даврда ахолини моддий жиҳатдан химоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси, деб ўйлайман. Бу борада Сурхондарёда қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Иктисодий жиҳатдан кам таъминланган, кам даромадли оиласлар, ногиронларни химоя қилиш борасида қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилаяпмиз. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят ҳокимиияти билан биргаликда ахолини моддий жиҳатдан химоя қилиш ҳамда одамларга тегишли шаронт яратиб беришни на зарда тутиб, 1991-1992 йиллар учун шартнома тузган. Бу йил нарх-навонинг яна ошиб кетганлиги муносабати билан шартноманинг баъзи бир шартларига ўзгартишлар киритилди. Янги шартнома тармок касаба уюшмалари қўмиталарида, барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида муҳокама қилинди.

Шартноманинг бажарилишини назорат қилиш юзасидан вилоят ҳокимиининг ўринбосари П. Шаметов ва касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Э. Ангиров рахбарлигидан махсус комиссия ташкил этилган. Бу комиссия мунтазам рашида ўз ўйлишларини ўтказиб туриди. Масалан, шу йилнинг январь ойида маъмурий органлар билан ҳамкорликда бу комиссия Республика Президентининг ахолини социал химоя қилиш юзасидан чиқарган катор Фармонларининг бажарилишини текшириб кўрдилар. Унда махсус норма билан бериладиган озиқ-овкат ва саноат махсулотларининг тақсимотида баъзи бир камчиликларга йўл кўйин-

лаётгани аникланди. Текширув натижалари вилоят ҳокимлигига касаба уюшма фаоллари, район ва шаҳарларнинг раҳбарлари, савдо, умумий овкатланиш корхоналарининг бошликлари иштирокида муҳокама қилинди.

Шу нарса маълум бўлди, савдо тармокларида олиб-сотарлик, товарларни яшириб сотиш, белгиланган махсулотларни аҳолига тўлиқ бермаслик, тақсимотда адолатсизликлар одат тусига кирган экан. Шунинг учун хам 1991 йилда ву шу йилнинг ўтган ойлари давомида биргина вилоят матлубот жамияти тизимида 450 киши ўз вазифасидан бўшатилган ва жазоланган.

Менинг фикримча, Президентимиз эзгу мақсадда чиқарган фармонларининг бажарилишини жойларда таъминласак, шунинг ўзиёқ ахолини социал химоя қилишда мухим кадам

Ошкоралик ва демократия масаласида эса сиз ҳақсиз, ҳаётимизга бу жараён ҳаддан ташкил секинлик билан кириб келаётпти. Ҳамон якка ҳокимлик, маъмурӣ-бўйрӯбозлик ва бошқа иллатлардан воз кечада олмаётган раҳбарлар кўп. Биз ҳозир ҳалқимизнинг сиёсий, маърифий ва маданий савиясини ошириш борасида ҳам етарли иш қилмаяпмиз. Маърифатли кишилар, маърифатли ҳалқигина ўз ҳақ-хукукини талаб кила олади, ошкоралик ва демократиянинг тўлаконли бўлишини таъминлайди. Инсон деган улуғ зотнинг қадр-кимматини, хурматини жойига кўйиш, унинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш зарур. Одамлардаги тилёғламалик, итоаткорлик, кўзбўймачиллик ва бошқа иллатларни дадиллик, ҳақиқатпарварлик, бир-бирига ўзаро хурмат каби ижобий фазилатларга алмаш-чиликка маълум бўлиб кольди.

Аммо бу конунлар ҳаётга жуда суст жорий этилаяпти. Жумладан, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш билан шугулланадиган махсус давлат қўми-таси эндиғина ташкил этилди. Вилоятларда, районларда, қишлоқ шўроларида ҳали бу борада махсус комиссиялар тузилмаган. Ваҳоланки, давлат мулкни жадаллик билан хусусийлаштириш йўлни тутиш керак. Бу бозорларимизни молларга тўлдиришнинг энг осон йўлидир. Давлат корхоналари, колхоз-совхозлар бу ишнинг удасидан чиқа олмаслиги қўпчиликка маълум бўлиб кольди.

Товарни кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг асосий манбаларидан бири бу ракобатdir. Колхоз-совхоз, давлат мулки ўртасида эса ҳеч бир замонда ракобат бўлмаган. Ракобат бўлмаган жойда эса тараққиёт ҳам бўлмайди. Шунинг учун давлат ҳамда жамоа мулки билан бир каторда акционерлик, оиласи, шахсий мулк шаклларидан ҳам оқилона фойдаланиш, уларнинг тараққиётига йўл очиб бериш бугун сув билан ҳаводек зарур. Бу борада барча бюрократик тўсикларни олиб ташлаш, ишбилармон, тадбиркор одамларни кўллаб-куватлаш лозим.

Ҳозир фабрикаларда, заводларда, корхоналарда ташмачилар, ўғирликлар кўпайиб кетган. Бир катор кувватлар хом ашё етишмаслиги ва бошқа сабабларга кўра ишламаяпти. Мехнат интизоми пасайиб кетган. Агар биз барча соҳаларда адолатни қарор топтирас эканмиз, бир қадам ҳам илгари силжий олмаймиз. Энди одамларни алдаб бўлмайди.

Ҳалқимизнинг фаровон яшаши учун барча зарур омиллар бор. Имкониятларимизни ақл билан ишга солсан, осоишталикини таъминласак, чет эл сармояларининг кириб келишига кенг йўл очсан, бозор иктиносидининг самаралари тезроқ сезилади деб ўйлайман.

**Суҳбатдош «Ишонч»нинг  
Қашқадарё ва Сурхондарё  
вилоятлари бўйича ўз мухбири  
Абдужалол ТАЙПАТОВ.**

## ҲАЛҚНИНГ ДАРДИ – БИЗНИНГ ДАРДИМИЗ

**Касаба уюшмалари Сурхондарё вилоят Кенгаши  
раиси Х. ШАРОФУДДИНОВ мухбири миз саволларига  
жавоб беради.**

бўлади. Ҳозир социал фондимиздан ногиронлар, кам таъминланган кишиларга пул бериш, уларга иссиқ овқат ташкил этиш каби тадбирларни амалга оширмокдамиз.

Ҳаётимизга аста-секинлик билан бўлсада ошкоралик ва демократия кириб келаётпти. Қўппартиялийлик сари илк қадам қўйилди. Сизнингча шундай шаронтда касаба уюшмаларининг асосий юмушлари нималардан иборат бўлиши лозим?

Касаба уюшмалари партиялар нечта бўлишидан қатъий назар ахолининг, меҳнаткаш омманинг иктисодий, хукукий ва ижтимоий манфаатларини химоя қилаверади.

Ҳозирги кунда меҳнаткашларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетди. Бу жараённи тўхтатиш учун биринчи навбатда ҳамма жабҳада юксак меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини сақлаш керак. Биз ҳар кимга кобилиятига яраша иш топиб беришимиз, истеъмол бозорини тўкин қилиш йўлларини ўйлашибиз зарур.

тираси ҳалқимиз маънавиятида мухим инқилоб бўлур эди. Бу жараён албатта, вақтни талаб килади.

Бугунги алғов-далғов даврда касаба уюшмалари ташаббусни ўз кўлларига олиб, ҳалқнинг ҳақиқий химоячи-си сифатида сиёсат майдонига чиқмоклари керак, деб ўйлайман. Биз бъязи илғор хорижий мамлакатлардаги касаба уюшмалари фаолиятидан бу борада ўриак олишимиз керакка ўхтайдиди.

Сиз ўзбекистон ҳалқ депутати-сиз. Кўп йиллар вилоят агро-саноат бирлашмасида раҳбарлик қилдингиз. Сизнинг фикрингизча, ҳалқимиз турмушида ижобий ўзгаришлар қачон пайдо бўлади? Демоқчиманки, бозор иктиносидининг самараларини қачон кўрамиз?

Республикамизда, жумладан, вилоятимизда баъзи бир соҳалар бўйича ижобий ўзгаришлар килингайти. Лекин бу ишлар ҳали денгиздан томчидек бир гап.

Республика Олий Кенгашининг

## ОИЛА ТЎҚ – ЭЛ ТЎҚ

**ҚАСАБА** уюшмаси қўмитасининг раиси Раҳимжон Абдураҳимов кўпни кўрган, турмушнинг аччик-чучугуни хўп тотган киши экан. Унинг гаплари ҳам ўзига хос салмоқли.

Журналист бўлганингиз учун кўнгилга олманг-у лекин илгарилари газета-ю, радио эшилтиришларда «Фалон ҳўжалик бунча даромад килди», деб роса карнай чалинарди. Раҳбарлар ҳам минбарга чиқиб олиб «ҳўжалигимизнинг банкда фалон миллион сўм пули бор», деб кўкракларига уришарди. Лекин ўша пайтларда «хўш, бу пулларнинг неча сўмини турмуш даражасини кўтаришга, ёрдамга муҳтож бева-бечораларнинг ёки кўп болали оиласларини ахволини яхшилашга сарфлаяпсан», дейдиган бирорта мард топилмасди. Гўёки, банкда қанча пули борлиги меҳнат ахлининг қандай яшатганинг билдирувчи мезондек эди. Аслида шу пулларга ҳўжаликлардан кўра давлат кўпроқ ҳўжалинлик килар, хоҳлаган маҳалда бирон сабаб кўрсатиб ўз ихтиёрига ўтказиб олиши мумкин эди.

Дарҳақиқат, Раҳимжон ака сингари ҳаёт қозонида қайнаб пишган кишиларнинг кўйиниб гапирганларича бор. Кўпгина донгдор колхоз-совхозларнинг фукаролари пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинаётганинг карамай канчалик бечораҳол турмуш кечираётганингларини кўрганимиз. Мана энди, оқни-оқ, корани-кора, деб атайдиган замонга етиб кел-

мокдамиз. Эндиликда ҳўжаликларга хазиналарида қанча пули борлигига караб эмас, фукаросининг манглайини қай тариқа силаётганингига караб бахо беришмокда ва тўғри қилинмокда. Бу ўринда сұхбатдошим Раҳимжон ака ишлаётган Янгикўргон районидаги «Заркент» давлат ҳўжалигига амалга оширилаётган тадбирлар ибратидир.

Кейинги йилларда жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, колаверса, билиб-билимасдан жорий этилган «ислохотлар» юзага келтирган барча соҳадаги инқирозлар касаба уюшмалари учун ҳам синов бўлмокда, — дейди сўзини давом эттириб Р. Абдураҳимов. — Очиги, яқин-яқинларгача маъмурият ва фирмак қўмитасининг чизган чизигидан чиқа олмаганимиз. Бош раҳбар саналмиш компартия касаба уюшмаларини ҳар соҳада тизгинлаб ташлағанди. Вакти-вақти билан унинг олдида ҳисоб беришга мажбур бўлғанмиз. Энди эса маъмурият ҳўжалик фаолияти ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма кириласига доир бирон масалани кўмитамиз иштирокисиз ҳал этмайди.

Раиснинг гапларини тинглайману бутун умрини мана шу совхоз тарқиёти йўлига сарфлағац, ҳозир ёлғиз кампанийи билан нафака ҳисобига аранг кун кечираётган уруш қатнашчиси Мирғозил отанинг миннатдорчиллигини эслайман. — Узок йиллар бригадирлик килдим, — деганди у. — Кек-

сайб нафакага чиққач, ҳеч ким эсламай кўйди. Фарзандсиз одамнинг кўнгли яримта бўларкан. Бирор эшикни тақиллатишига зормиз. Биз олдинлари «касаба союз» дейишса, нима иш қилишилини яхши тушунмаганмиз. Икки йилдан бери кунимизга шулар яраяпти. Ўтган йили кузда томимиз шиферини янгилаб беришиди. Кўмийр билан таъминлашди. Вакти-вақти билан гўшт, сарғи ёғ, бошқа масаллиларни арzon баҳоларда, айрим кунлари эса бепул оладиган бўлиб қолдик.

Биз маъмурнят билан тузган жамоа шартномамида ишчи-хизматчилар таъминоти бўйича келишибиз. Фарзандсиз одамнинг чорваси бўлсун «шиорини ўртага ташлағанмиз». Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда ағрону уруши қатнашчиларининг чорва моллари учун салкам 4 тонна тўйимили озука тарқатиди. «Барча оиласини чорваси бўлсун» шиорини ўртага ташлағанмиз. Шу максадда шу йилнинг январь ойида ёки фукароларимизга 67 бош корамол, 120 та кўй ва эчки, 3 мингта парранда тарқатдик. Ногирон, бокувчисини йўқотган ҳамда



# Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси  
Марказий Қўмитасининг йўриқчиси Тамара Петровна Циглинцева жавоб  
беради.

???

**Мен вилоят санитария-эпидемиология станциясида ишлайман. 1991 йил 3 августанда маошлар оширилди, лекин бу товон пулени маошга қўшиб юбориш ҳисобига қилинди. Мен илгари 220 сўм маош ва 20 сўм товон пули олардим. Ҳозир товон пули берилмаяпти, 280 сўм маош оляпман. Кейинроқ яна 40 сўм товон пули қўшилди. 1991 йил 3 августанда чиқарилган қарорда эса алоҳида қайднома бўйича 100 сўм товон пули олишимиз кераклиги айтилган эди. Мен вилоят касаба уюшмаси қўмитасига мурожаат қилдим, лекин у ерда менга ҳам ҳамма қатори маош тўланаштаганини айтишди.**

**Мен маошдан ташқари 100 сўм товон пули олишга ҳақлиманими?**

**Б. Аҳмедов,  
Наманган шаҳри.**

Афуски, Сиз ўз хатингизда лавозимингизни айтмабсиз. Ким бўлиб ишлашингизни билганимизда, маошингиз қанчалик тўғри белгиланганлигини аниқ айтардик. Аммо умуман саволингиага жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Республика тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари 1991 йил 1 июлдан бошлаб оширилган эди. Маошларнинг янги миқдорига 60 сўмлик товон пули ҳам қўшиб юборилди. Соғлиқни сақлаш ходимларининг бошқа тоифалари (ишчилар, мухандислар, техниклар, иқтисодчилар ва х. к.) иш ҳақи амалда оширилмасдан, алоҳида тўланаштаги 60 сўмлик товон пули уларнинг маошларига қўшиб қўйилди, холос. (Асос: Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1991 йил 15 августанда тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома»).

1991 йил 1 августандан бошлаб 60 сўмлик товон пули миқдори 100 сўмга етказилди (Республика Президенти Ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 августандаги 214-сонли қарори). Товон пуленинг оширилган қисми (40 сўми) бизнинг тармоқда, яъни бюджетдаги ташкилотларда тариф ставкалари ва маошларга қўшилмасдан алоҳида қайднома бўйича тўланади.

1992 йил 1 январдан бошлаб соғлиқни сақлаш ходимлари барча тоифаларининг маоши ва тариф ставкалари товон пули қўшилган ҳолда оширилди.

???

**Сил касалликлари касалхонасида шифокор бўлиб ишлайман. Бу муассасада (мехнат шароитлари саломатлик учун хавфли) ишлаганлик учун маошга қўшимча 15 фоиз ҳақ тўлашниши керак. Ваҳоланки, атиги 22 сўм тўлаштаги. Шу тўғрими?**

**Яна бир савол. Транспортда юриш учун йўл ҳақи тўлаш кўзда тутилганми?**

**И. Назаров,  
Қашқадарё вилояти,  
Китоб райони.**

Соғлиқни сақлаш ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги шартлари жорий этилаётганда (СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1986 йил 10 ноябрдаги 1480-сонли бўйруғга биноан) саломатлик учун хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун маошларни оширишининг қайд этилган аниқ миқдорлари белгиланган эди. Шунга кўра бундай ша-

роитда ишлаганлик учун шифокорларга 22 сўм, ўрта тиббиёт ходимларига 15 сўм ва кичик тиббиёт ходимларига 11 сўм тўланади.

Саломатлик учун хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун маошларни оширишининг шу миқдорлари кейинчалик, яъни 1991 йил 1 июлда соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини қайта кўриб чиқиш чорига ўзгаришсиз қолдирилган («Соғлиқни сақлаш ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома», 38-бет, 2. 1. банд).

1992 йил 1 январдан бошлаб лавозим маошлари яна оширилди, саломатлик учун хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақ эса аввалги миқдорда қолдирилди. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 20 январдаги 30-сонли бўйруғи, 1. 2 банд).

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш муассасаларига иш ҳақи тўлаш маблағлари ҳисобидан ва улар доирасида устамалар, қўшимча ҳақ ва рағбатлантирувчи тусдаги бошқа тўловлар миқдорини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилган. Демак, иш ҳақи жамғармасини тежаш, шунингдек пулли хизматлар ва хўжалик фаолиятининг бошқа турларини бажариш ҳисобидан тушган маблағлар эвазига маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб, саломатлик учун хавфли меҳнат шароитларда ишлаганлик учун маошларни оширишининг бошқа миқдорларини белгилаш мумкин.

Транспорт ҳаражатлари учун йўл ҳақини соғлиқни сақлаш муассасалари мустақил равиша, ўзида маблағ бор бўлса беради.

???

**Тиши даволаш поликлиникасида ишлайман. Давлат хўжалигига яшайман. Уйимдан ишхонамжача 4 чақирим. Қишлоқ жойда ишлаганлигим учун маошимга қўшимча 40 фоиз ҳақ тўлашиши керакми?**

**Э. Ҳамроев,  
Сурхондарё вилояти,  
Олтинсой райони.**

Республика соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат учун ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларида қишлоқ жойларда ишлаганлик учун оширилган иш ҳақи тўлаш кўзда тутилмаган.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш муассасаларига пулли хизматлар кўрсатиш ва хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан, шунингдек бошқа манбалардан тушган маблағлар ҳисобидан зарур қўшимча тўловлар белгилаш ҳуқуқи берилган (Асос: Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1991 йил 15 августанда тасдиқлаган «Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги қоидаларини қўллаш тўғрисида йўриқнома», 17-бет, 4. 6 банд).

???

**Касалхонада тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлайман. Иш стажим 10 йилдан зиёд. 1991 йилнинг июль ойида аттестация ўтказилиб, маошимни 230 сўм қилиб белгилашди. Ушанда товон пули ҳам шу маошга қўшилганлигини айтишди. Шу тўғрими?**

**Т. Алимова,  
Жizzax вилояти,  
Арнасой райони,  
23-давлат хўжалиги.**

Агар Сиз малака тоифасига эга бўлмасанлиз, у ҳолда 1991 йилнинг июль ойида маошингиз тўғри белгиланган. 60 сўмлик товон

пули ҳақиқатдан ҳам шу маошга қўшилган. (1991 йил 1 июлга қадар 10 йил иш стажига эга бўлган тиббиёт ҳамширасининг маоши 125 сўмни ташкил этарди.)

Бундан ташқари, 1991 йил 1 августдан бошлаб Сизга алоҳида қайднома бўйича 40 сўм миқдорида қўшимча товон пули тўлананиши керак эди.

1991 йил январдан бошлаб малака тоифаси бўлмаган тиббиёт ҳамширасининг маоши товон пулени ҳам қўшиб 540 сўм қилиб белгиланган, яъни иккى баравар оширилган: маош 230 сўм + товон пули 40 сўм-270 сўм, иккига кўпайтирилса, 540 сўм бўлади.

???

**Биз касалхонанинг тиббиёт тез ёрдам бўлимида ишлаймиз. Бизда аслида 80 киши ишлаши керак, шундан 27,25 ставкаси шифокорлар учун. Амалда эса шифокорлардан 7 киши ишлаймиз. Иш кўплигидан бош ҳашишга вақтимиз йўқ. Биз бирор йўсунда рағбатлантирилишимиз, яъни мукофотланишимиз ёки ортиқча иш учун қўшимча ҳақ олишимиз керакми?**

**А. Боқиев, А. Йўлдошев,  
Андижон вилояти,  
Асака шаҳри.**

Республика соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат учун ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларида зўр бериб қилинган меҳнатни рағбатлантиришнинг кўйидаги турлари кўзда тутилган:

— иккى касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик ёки бажарилётган ишлар ҳажмини, жумладан турли тоифадаги ходимларга тааллуқли лавозимлар ва касблар бўйича бажарилётган ишлар ҳажмини оширганлик учун ҳеч қандай чеклашларсиз, иш ҳақи тўлаш жамғармаси маблағларини тежаш доирасида (вакант лавозим бўйича) қўшимча ҳақ тўланади.

Қўшимча ҳақ тўлашнинг бу тартиби соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарларига, уларнинг ўринбосарларига, шунингдек таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига тааллуқли эмас (IV—V гуруҳларга киритилган фельдшерлик-акушерлик пунктларининг ва дорихона муассасаларининг мудирлари бундан мустасно).

— мураккаб, оғир ва юқори сифат талаб қиладиган иш учун мутахассисларга (жумладан раҳбарларга), хизматчилар ва ишчиларга маъмурият (раҳбарлар учун эса муассаса бўйсунадиган бошқарув идораси) тегишли касаба уюшма қўмитаси билан келишиб белгилаган миқдорда устама ҳақ тўланади. Бу устама ҳақ муайян муддатга белгилана. Муддат тугаганидан кейин маъмурият (ёки муассаса бўйсунадиган бошқарув идораси) устама ҳақни сақлаб қолиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласи. (Асос: Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1991 йил 15 августанда тасдиқлаган «Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқнома» IV бўлим, 2. 1., 2. 2. бандлар, 16-бет ва V бўлим, 2. 1. банд, 19-бет).

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш муассасаларинийг раҳбарларига меҳнат учун ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида, юқори малакали мутахассисларга иш ҳақи тўлашнинг шартнома шаклини қўллаш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳолларда маош миқдори келишув асосида, лекин тармоқда тасдиқланганидан ва давлат кафолат берганидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. (Асос: Юқорида айтилган йўриқнома, 2-бет, 9-банд).





# ХАМЖИХАТ БҮЛАЙЛИК

СҮНГГИ пайтларда мөддий ноз-нөсметларнинг тақчиллиги ҳақида күп гапирилдип. Аммо ҳалк тили билан айтганда, ҳеч ким очидан ўлаётгани йўқ. Машнавий қашшоқлик натижасида эса, ўғрилик, талончилик, одам ўлдирилаб мудхини ҳоллар кундан-кунга ортиб боряпти. Бу хавфли иллат. Шу жиҳатдан олганда драматург Тўлкин Мухиддиннинг «Дилини ўртаётган муаммолар» номли мақоласи («Ишонч»нинг 5-сони) айни кўнгилдаги иш бўлган. Ҳақиқатан ҳам машнавий мухтоҷлини кондиришда театр алоҳида ўринга эга. Шунинг учун муаллифинг театр мавзусига мурожаат этиши бежиз эмас, деб ўйлайман.

«Дилини ўртаётган» масалалар билан бир қаторда, театр соҳасининг шу бугунги долзарб муаммолари ҳам талайгина эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Маълумки театр адабиёт ва санъат турарининг жамланиши натижасида яратилдиган санъат. Жамланиш охир оқибатда режиссер иштироки орқали амалга оширилади. Шу ўринда режиссер асаларига киёслаш мумкин. Асаларинг хил гул шарбатидан бол бўнёд килади.

Режиссерликнинг яна бир нозик томони бор. У драматургия, театр, томошабин талабини гармоник биринтира олиши керак. Шу уч бирликдан бирораста ўнгиз тус олар экан, ҳақиқий санъат яратилмайди. Шу борада Тўлкин Мухиддиннинг: «Агар бош режиссер, «ўзим биламан» кабилида иш тутмай, коллективнинг фикрини инобатга олиб, асар муаллифи билан биргаликда чи-дам билан ижод қилиб, асарни қиёмига келтиришда бош-кош бўлса»... деб орзу килишида биртомонлама ҳақли. Ҳақлиги шуки, театрада ҳамжихатлик бўлмаса ютуқ ҳам бўлмайди. Ноҳаклиги шундаки, режиссер, «ўзим биламан» кабилида иш тутмаса, гармоник яқдиллик вужудга келмайди. Лекин, режиссер ўзим биламани билан драматург ёки томошабин талабларини камситишга ҳақи йўқ. Режиссер кўзлаган мақсадига тўғри келмайдиган бўлса, пъесаси юлиб-чатиб ўтирасдан унга кўл урмагани маъкул.

«Драматурги ёзиб тутаган пъесасини қаерга олиб бориши керак?» — деган савол жуда ўринли. Ҳақиқатан ҳам бу «ўгай жаңир» на Езувчилар узошмасига, на Маданият вазирлигига, на театрга керак. Муаллифинг: «Ўзбек тилида ёзилган асарларга шу тилни пухта биладиган танқидчиларига ўз фикрларини айтишаса»... деган таклифига эса тўла-тўқис кўшилиб бўлмайди.

Сахна асари инсон сезигларининг иккичи жиҳатига мўлжалланган — кўришга ва эшитишга. Кўриш учун таржиманинг кераги йўқ. Эшитишга келсак, табиат инсонга иккичи хил қобилият берган: Мусикӣ эшитиш (музыкальный слух), нуткий эшитиш (речевой слух).

Ҳар кимда ҳам иккала қобилият жам бўлавермайди. Аммо нуткий эшитиш қобилиятига эга бўлган киши учун тилни батафсил билмаса ҳам мазмунига тўла тушунади ёки соҳта нутқ билан ҳаёттаги гапни бемалол фарқлай олади. Масалан, Тошкент театр олийгоҳида узок йиллар давомида И. Радун билан Н. И. Тимофеева каби жуда забардаст театр билимдандар устоузликини килишган. Айтиш мумкини, улар ўзбек тилини мутлако билмас эдилар. Аммо сахнада бир оғиз соҳта сўзни эшитиб колишиша «қанака тилда гапирияти?» деб, эътироz билдирилар. Улар тарбиялаган шогирдлар нафақат ўзбекистонда, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, хотто Россия театр санъати намоёндаларига ҳам айланышган.

Мавзудан узоклашмайлик-да, гап театр танқидчилиги устида кетаётгани учун шу соҳага бир назар ташлайлик.

